

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 22 сентябрь, № 184 (5351)

Пайшанба



Кўна Фаргона истиклол бахш этган тенгсиз саодат — осийшта ва фаровон ҳаёт туйғайли кундан-кун чирой очиб, ҳар жиҳатдан тараққиёт сари юз тутмоқда. Текис, раvon йўллар, фэйзб маҳаллалар, аҳил, фаровон хонадонлар, шаҳару қишлоқларни безаб турган гулу гулзорлар ободлигимиз, бунёдкорлигимиз рамзи, меҳридаре халқимизнинг эзгу ниятлари тисмоли сифатида дилларга гурур улашаётир. Дунё тамаддунига беазир хисса қўшган Аҳмад ал-Фарғоний, Бурхониддин Марғинович сингари олиму фузалолар етишиб чиққан кўна вояда бугун ҳам Президентимиз раҳнамолигида иқтидор салохиятда тенгсиз, илмга, янгиликка интилувчан шижоатли фарзандлар камол топаётгани янада қувонарлидир.

Фарғона вилояти: Бунёдкор элнинг шижоатли фарзандлари



Дунё иморатларининг энг улғуи

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" номи асариди шундай сўзлар бор: "Агар дунё иморатлари ичида энг улғуи мактаб бўлса, касбларнинг ичида энг шарофлиси ўқитувчилик ва мураббийликдир".

Бу пурмаъно иборанинг ҳаётий ифодаси бугун юртимиз таълим тизими ривожига юксак эътибор қаратилаётганига мисолида намоян бўлаётир. Истиклол йилларида "Мактабга эътибор — келажакка эътибор" шиори остида олиб борилган эзгу саъй-ҳаракатлар самарасига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Мамлакатимизнинг қай бир ҳудудига бормаиллик, муҳташам мактаблар, коллежу лицейларга кўзимиз тушади. Фарзандлар камоли йўлида яратилаётган бундай бекиёс шарт-шароитларни кўрганмиз сайин ичимиздан қувонамиз. Негаки, жойларда, энг чекка қишлоғу овулларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурига мувофиқ, янгитдан барпо этилган кўркам ва замонавий ўқув бинолари навқирон авлод вакиллари-нинг замонавий асосда пухта билим олиши учун хизмат қилмоқда.

— Бундан ўн беш-йигирма йил аввалги ҳаёт билан бугуннинг орасида жуда катта фарқ бор, — дейди Ўзбекистон Қажрамони, Қўқон шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Манзураҳон Мадалиева. — Илгари мактаб дейилса пана-паскам, кўримсиз, шифти афтодаҳол, поли чириган, иситиш тизими деярли ишланмайдиган бинолар кўз ўнгимизда жонланар эди. Шўқри, эндиликда бундай ёқимсиз манзаралар ўтмиш хотираларига айланди. Мактаб бинолари янгича қиёфа касб этиши баробарида, ўқув масканларида билим даражаси, ўқитиш сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дарсликлар таъминотини яхшилаш, таълим жараёнига янгича педагогик услублар татбиқ этилишини рағбатлантириш каби эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани ўқитувчи ва мураббийлар фаолияти самарадорлигини юксалтиришда муҳим омил бўлаётир.



Таълим масканлари бугунги кунда нафақат билим бериладиган даргоҳ, балки ўша худуддаги маънавият ва маданият ўчоғи ҳамдир. Президентимиз ташаббуси билан фарзандларимиз истеъдодини юксалтириш ҳамда маданий савиясини ошириш, уларга санъат орқали миллий қадриятларимиз мазмун-моҳиятини сингдириш мақсадида қабул қилинган Болалар мусика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаоли-

ятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига мувофиқ, вилоятдаги мусика ҳамда санъатга ихтисослаштирилган 29 та мактабда кенг миқёсда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Ушбу навбатда, бундай эътибор ёшларимиз иқтидорига қанот бўлаётти.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси У Банго раҳбарлигидаги Хитой Халқ Республикаси парламент делегацияси аъзолари 21 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Илғизар Собиров билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги алоқалар сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоёвий, маданий-гуманитар каби кўплаб соҳаларда, жумладан, парламентаризм йўналишида ҳам изчил ривожланиб бораётгани алоҳида таъкидланди. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Илғизар Собиров билан Доимий қўмитаси Раиси У Банго ўртасидаги алоқаларни фаоллаштириш, ўзаро амалий ҳамкорликнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда. Жорий йилнинг июль ойида Ўзбекистон Республикаси парламент делегациясининг Хитойга ташрифи икки давлат парламента-ри ўртасидаги алоқаларни янги суръат бахш этди. Музокарада Хитой Халқ Республикаси парламент делегациясининг ушбу ташрифида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни изчил ривожлан-

тириш, парламентлараро алоқаларни янада фаоллаштириш жараёнининг мантиқий давоми сифатида қаралиши қайд этилди. — Ўзбекистон истиклол йилларида Президент Ислоҳ Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришди, — деди У Банго. — Мамлакатимизда сиёсий-ижтимоий барқарорлик ҳукм сурмоқда, иқтисодий, аҳолининг турмуш даражаси муттасил юксалмоқда. Президент Ислоҳ Каримовнинг шу йилнинг апрель ойида Хитойга амалга оширган давлат ташрифи гоёта самараларни келишувларига ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ўзаро ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришдан иборатдир.

(Давоми 2-бетда).

ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН МУСТАҲКАМЛАШ

Кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтиришга хизмат қилади

Халқимиз қадим-қадимдан ўзининг тадбиркорлиги билан ном қозониб келган. Заминимизда деҳқончилик, чорвачилик, тижорат, халқ хунарамандчилиги тараққиётини илдириши узоқ-узоқларга бориб тақалишининг боиси ҳам шунда.

Хўжалиги маҳсулоти етиштириш ҳажми 6,7 фоиз, чакана савдо товар айланмаси ҳажми 14,6 фоизга ва хизмат кўрсатиш ҳажми 12,6 фоизга кўпайди. Энг муҳими, халқимиз фаровонлиги янада юксалди.

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

Истиклолга эришганимиздан сўнг ана шу боқий аъёнларимиз, қадриятларимиз қайта тикланди, уларни ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Пировадда тадбиркорлик ҳаракати изчил тараққий топти. Айниқса, кичик биз-нес тармоқларига қаратилган улкан эътибор, яратилган мустаҳкам ҳуқуқий асос, соҳа риважига йўлида ташкил этилган шарт-шароитлар юртимиз иқтисодиёти-нинг барқарор ўсиш суръатлари билан ривожланишига пойдевор бўлди. Биргина жорий йилнинг биринчи ярмида давлатимиз ялпи ички маҳсулоти ҳажми 8 фоизга, жумладан, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,8 фоиз, қишлоқ

талаётган қулайликлар туйғайли миллий қадриятларимизни, аъёнларимизни ўзида мужассам этган кўплаб касбу корлар ҳам изчил ривожланмоқда. Негаки, мустақиллик берган имкониятлар шарофати билан боғбонлар, новвойлар, қандолатчилар, ёғоч ўймакорлари, нақшошлар, дўппидўз этикдўзлар, заргарлар, чилангарлар, қулоллар каби бир пайтлар рўшнолик кўрмаса касб эгалари елкасига ҳам шамол теғди, турмушига фэйз кирди. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган моддий-маънавий меросимиз қадр топиб, кенг ривожланди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

- **КЕГЕЙЛИ** туманилик тадбиркор Аруҳон Қайипбекова саъй-ҳаракати билан Ақтуба қишлоғида тикувчилик корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Банкнинг 85 миллион сўмлик маблағи эвазига бажарилган ушбу лойиҳа туйғайли 20 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.
- **БОЕВУТ** туманидаги Гулистон қишлоғида барча қулайликларга эга замонавий ҚВП фойдаланишга топширилди. Ушбу хайрли ишни амалга ошириш учун 252 миллион сўм сарфланди.
- **ЯНГИҚўРФОН** туманида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури доирасида навбатдаги меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 59 та корхона ва ташкилот 214 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Яқинда 194 нафар фуқаро ишга жойлаштириш учун йўланма берилди.
- Банкдан олинган 25 миллион сўмлик кредит эвазига ПАСТДАРФОМ туманидаги "Бекумурод баракка замини" корхонаси фаолияти кенгайтирилди. 20 киши меҳнат қилаётган мазкур жамоа ҳозир ойига 250 минг донагача сифатли пишик гишт ишлаб чиқарилаётир.
- **АНДИЖОН** вилояти хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Андижон шаҳрида "Асл либослар маркази" ташкил этилди. Аини пайтда марказда вилоятдаги 25 та касб-хунар коллежида сабоқ олаётган чеварлар тиккан бежирим либослар, каштаю дўппилар намойиш қилинмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ «КОРЕЯ ТАЙМС» САҲИФАЛАРИДА

Жанубий Кореяда чоп этиладиган "Корея таймс" газетасининг сўнгги сонларида бирида мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. Уларда Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, юртимизнинг мустақил ривожланиш йилларида эришган муваффақиятлари, ўзбек халқининг тарихий-маданий мероси хусусида атрафлича ёритилган.

лар экан, "Корея таймс" Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакиннинг яқинда Тошкентга қилган ташрифи алоҳида эътибор қаратиб, ушбу ташриф чоғида иқтисодиёт, соғлиқни сақлаш, ахборот-коммуникация технологиялари, тўқимачилик ва бошқа соҳаларни қамраб олган 20 дан зиёд битим имзолангани эслатиб ўтади. Улар орасида қиймати 4,16 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган Орол денгизидеги Сурғил қони кўшма ишланмаси ва унинг асосида газ-кимё мажмуининг қурилиши бўйича лойиҳа ҳам мавжуд. Қўла-ми жиҳатидан бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихида энг катта лойиҳа ҳисобланади. "Шўбҳа йўқи, мазкур ташриф Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда ҳамкорликнинг ривожланишига муҳим хисса қўшгани ҳолда, икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтарди", дея қайд этилди нашрда.

Ўзбекистоннинг сармоёвий муҳити мавзусига бағишланган яна бир мақолада газетонлар мамлакатимизда мустақиллик йилларида хорижийлик сармоёдорлар учун яратилган ҳуқуқий қафолат ва имтиёзлар ҳамда чет эл сармоёсини иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантириш бўйича яхлит чоратадбирлар тизими билан яқиндан таништирилди. Мақолада саноат ишлаб чиқариши ҳажмларининг кўрсаткичлар, давлат бюджетидеги профитининг таъминланиши, пул қадриятининг даражаси мўтадиллигининг сақланиши сингари ва бошқа муҳим омиллар туйғайли 2008 — 2010 йиллар давомида миллий иқтисодиётга сармоёлар оқими 1,8 баравар, шу жумладан, хориж сармоёси ва кредитлар ҳажми 2,4 баравар кўпайишига эришилгани алоҳида қайд этилган. Мазкур йўналишга оид рақамларга мурожаат этилар экан, 1990-йиллар бошида тўғридан-тўғри хориж сармоёсини умумий сармоёлар ҳажмининг 10-15 фоизига тенг келган бўлса, ҳозирги пайтда мазкур кўрсаткич ўртача 83-85 фоизни ташкил қилаётгани алоҳида таъкидланди.

(Давоми 2-бетда).

Эътироф

қўшма ишланмаси ва унинг асосида газ-кимё мажмуининг қурилиши бўйича лойиҳа ҳам мавжуд. Қўла-ми жиҳатидан бу мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихида энг катта лойиҳа ҳисобланади. "Шўбҳа йўқи, мазкур ташриф Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда ҳамкорликнинг ривожланишига муҳим хисса қўшгани ҳолда, икки томонлама муносабатларни янги поғонага кўтарди", дея қайд этилди нашрда.

Энергетика саноати: ЮКСАЛИШНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

Кеча пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "UzEnergyExpo — 2011" VI халқаро ихтисослаштирилган энергетика, энергияни тежаш, электротехника, нефть ва газ саноати кўргазмаси ўз ишини бошлади. У "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти ҳамда "IEG Uzbekistan" халқаро кўргазма компанияси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг очилиш маросимида таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар туйғайли бу соҳа янада Халқаро кўргазма рида саноат эксплуатациясини қўллаш бўйича салмоқли ишлар амалга ошири-либ, "Чирчиқ", "Қодирия", "Тошкент", "Пастки Бойсун" сингари ГЭСлар реконструкция қилингани фикримиз далилидир.

ёғгани бунда муҳим аҳамият касб этаётди. Жорий йилнинг олти ойи давомида компания тасарруфидаги "Ангрэн", "Тахитак", "Толлимаржон" ИЭСла-юксалиб, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми тобора ортиб бормоқда. "Ўзбекэнерго" давлат-акциядорлик компанияси тизимида замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш орқали сарф-харажатларни камайтириш, маҳсулот таннархини пасайтиришга эришила-

(Давоми 2-бетда).

ИШОНЧ ВА РАҒБАТ ИФОДАСИ

Зеро, юртимизда Президентимиз раҳнамолигида келажак ворисларининг эртанги ёруғ ва фаровон ҳаётини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мана, бир неча йилдирки, "Ўзбекистон маданияти ва санъати ва форуми" жамғармаси ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ёшларнинг энг оммавий лойиҳаларидан бири бўлмиш "Келажак овози" республика кўрик-танлови мамлакатимиз бўйлаб аъёнларий ижод саройида мазкур кўрик-танловнинг Тошкент шаҳри ва вилояти босқич-тарзда ўтказиб келинмоқда. Унда юртга муносиб фарзанд бўлиш умидидаги минглаб иқтидорли ёшлар фаол қатнашиб, қобилият ва маҳоратларини намоян этаётирлар. Пойтахтимиздаги Ёшлар

«Келажак овози — 2011»

лариди голибликни қўлга киритган иштирокчиларни тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда голиблар, "Келажак овози" танловининг жамоатчилик кенгаши аъзолари, ҳакамлар ҳайъати, экспертлар ҳамда ўқувчи ва талаба-ёшлар иштирок этди. Тақдирлаш маросимида қайд этилганидек, "Келажак овози" танловининг Тошкент шаҳри ва вилояти босқичларида бу гал 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган 20 минг нафарга яқин ўғил-қиз қатнашди. Архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт ва публицистика номинациялари бўйича лойиҳаю ишланмалари билан иштирок этган ёшлар орасидан 91 киши яқиний босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(Давоми 2-бетда).

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ҲАМКОРЛИК ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Учрашувда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва мустақамлаш масалалари, парламентлараро муносабатларни янада ривожлантириш юзасидан чора-тадбирларни ҳаётга татбиқ этиш, қонун ижодкорлиги ва назорат фаолияти бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, томонларни қизиқтирган долзарб масалалар муҳожама этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати билан Хитой Халқ Республикасининг Бунхужитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида Ҳамкорлик кўмитасидаги меморандум имзоланди.

Хитой делегацияси ташрифи доирасида, шунингдек, техник-иқтисодий, нефть-газ,

кимё, тоғ-кон саноати соҳаларида ҳамкорлик бўйича ҳам қатор ҳужжатлар имзоланди. Шу кунги У Банго раҳбарлигидаги делегация аъзолари пойтахтимиздаги «Осиётранс-Газ» қўшма корхонасига ташриф буюриб, унинг фаолияти билан танишдилар.

Хитойлик юксак мартабали меҳмон Мустақиллик майдонида бўлиб, бу ерда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан таниди, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гул қўйди. Теурийлар тарихи давлат музейига ташриф буюриб, Амир Темур ва теурийлар ҳақида хикоя қилувчи экспонатларни кўздан кечирди.

(ЎЗА).

ИШОНЧ ВА РАҒБАТ ИФОДАСИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

— Танловда техник ишланмалари билан иштирок этиб, яқиний босқичга йўланмани кўлга киритдим, — дейди Бўстонлик туризм ва сервис коллежи ўқувчиси Неъмат Махамедов. — Кўш энергияси ёрдамида ишлайдиган ихчам сув насоси, икки қисмли бўлдозер, пулт орқали бошқариладиган қран сингари лойиҳаларим тақдимотда кўнчилиқнинг эътирофига сазовор бўлганидан хурсандман. Нуфузли танловда илк бор қатнашаётган бўлсам-да, интилишларим махсулини намойиш эта олганим мен учун катта ютуқдир.

Ун саккиз ёшли Фарида Жумабобева эса табиат гўзалликларидан илҳомланиб янгидан-яңги асарлар яратиб келган истеъдоди ёшлардан бири. У Асатулла Хўжаев номидagi республика дизайн коллежиде таълим олади. Фарида қўриқ-танловга ландшафт дизайни йўналишидаги туркум лойиҳаларини тақдим этди. Мазкур макетлар она-табиатга муҳаббат рамзи сифатида киши руҳиятига кўтаринкилик бағишлаши билан эътиборни тортади.

— Яшил олам, гўзаллик, дарактлар ва гуллар инсон саломатлигини мустақамлабгина қолмай, унинг руҳий кеинмалари, дунёқарошига ҳам ижобий таъсир этар экан, — дейди у. — Шу боис ландшафт интерьери услубида лойиҳалар яратишга қизиқиб қолдим. Танловда “Сулми айвон”, “Фаворанг қўшиғи”, “Майсазор ҳовлим”, “Гулзорлар аро” номли лойиҳаларим билан иштирок этаяпман. Яқиний босқичда ушбу эскиз ва макетларнинг электрон вариантини намойиш қилмоқчиман.

Ғолибларни тақдирлаш маросимида санъатсевар ёшлар ва таниқли эстрада хонандалари ижросидаги концерт дастури намойиш этилди.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТДА: “Келажак овози — 2011” республика кўриқ-танлови иштирокчилари.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

— Олти ёшимда фортепьянода куй чалишни ўргандим ва виолетимиз миқёсида ўтказилган кўплаб кўриқ-танловларда иштирок этдим, — дейди Фаргона шахридаги 4-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқувчиси Шерзод Абдулазизов. — Ўтган йили Урганч шаҳрида бўлиб ўтган “Академик чолгу ва эстрада ижрочилиги” республика кўриқ-тан-

ва гамжўрлигидан бахраманд ёшлардан бири эканлигини гурурланиб айтаман...

Олис қишлоқдаги КОШОНА

Асрга татиғулик йигирма йил ичида эришган энг катта ютуқларимиздан бири, шубҳасиз, ёш авлоднинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб

эса 665 минг нафар ўқувчи 43 тури билан мунтазам равишда шугулланмоқда.

Барчанинг ёдида бор: бундан йигирма йил аввал вилоятда замонавий талабларга жавоб берадиган бирорта ҳам теннис майдони мавжуд эмас эди. Айни пайтда халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларни ўтказиш имконига эга бўлган 39 та корт ёш спортчилар ихтиёрида. Мана, ўн беш йилдики, ҳар йили

ўқувчи билан машғул олиб бориши мумкин. Марказда машғулотлардан ташқари, турли спорт фестиваллари, бадий гимнастика бўйича семинар-тренинглр ўтказиш учун шарт-шароит яратилган. Айни пайтда бу ерда 210 нафар ёш спортчи малакали мураббийлардан сабоқ олмақда.

Аслида, бугун бадий гимнастика билан шугулланаётган қизалоқларни вилоятнинг барча шахар ва

Фаргона вилояти: БУНЁДКОР ЭЛНИНГ ШИЖОАТЛИ ФАРЗАНДЛАРИ

ловида қатнашиб, биринчи ўринни эгаллаганидан сўнг менга хориж фестивалида иқтидоримни намойиш этиш учун йўланма берилди. Энди халқаро бешлашувда иштирок этиб, жаҳон классик наволари билан бирга миллий кўларимизни ҳам фортепьянода чаламан. Яна бир ниятим шуки, голиб сифатида сўз берилганда муқтаддам санадан туриб, истиқлолнинг бахтиёр фарзанди эканлигим, озод юрда туғилиб ўсганим, Президентимизнинг юксак ишончи

воёга етишини таъминлаш йўлида амалга оширилган изчил ислохотлар самарасидир. Зеро, ёшларимизнинг жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиб камол топишида спортнинг ўрни беқеъис эканлиги инобатга олиниб, истиқлол йилларида мазкур йўналишда қўпгина хайрли ишларга қўл урилди. Юртимизда мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” мусобақалари ташкил этилишидан аввал вилоятда спортнинг атиги 20 тури бўйича 157 минг нафар ўқувчи, ҳозир

Фаргона шахридаги “Истиқлол” теннис мажмуасида жаҳон таснифидagi халқаро мусобақалар уюштирилиб келинмоқда.

Энг муҳими, бундай замонавий спорт иншоотлари вилоятнинг олис ҳудудларида ҳам бунёд этилапти. Яқин-яқингача Кувасой шахрининг Арсив қишлоғи ҳақида қўпчилик эшитмаган бўлса керак. Бугун бу ерда “Сен ёлғиз эмассан” халқаро болалар хайрия жамғармасининг маблағи эвазига бунёд этилган ниҳоятда йирик бир спорт мажмуаси фаолият кўрсатаётир. Мажмуа таркибиде ям-яшил майсалар билан қопланган стадион, бир вақтнинг ўзида баскетбол, волейбол, стол тенниси, бокс, юнон-рум кураши, акробатика бўйича мусобақалар ўтказиш имконини берадиган ёғи ва қишки майдонлар мавжуд. Ушбу муқтаддам иншоотда кувасойлик ёшлар билан бирга Ташлоқ, Кува, Фаргона шахридан келган мингдан зиёд бўлажак олимпиядчилар ҳам маҳорат ва иқтидорларини оширмоқдалар.

— Утган йили эса вилоятдаги нафис спорт билан шугулланаётган юзлаб қизалоқларнинг энг катта орузи ушлди. Фаргона шахрида Бадий гимнастика маркази ташкил этилди. Марказнинг баҳаво, кўркам залидаги иккита майдончада бири-бирига халақит бермаган ҳолда 4 нафар мураббий бир йўла 60 нафар

туманлари, қишлоғу маҳаллаларида учратиш мумкин. Бугунги кунга келиб, ҳудудда нафосат малаикалари сафиде салкам 2000 нафарга яқин қизлар машғулот ўтказишапти.

Тадбиркор қизларимиз ташаббуси

Мунтазам Мухторова Ўзбекистон туманидаги ижтимоий-иқтисодий қонанини тугатган, қаерга ишга борсам экан, дея бош қотириб ўтирмади. Уқувчилик пайтидаёқ ишлаб чиққан бизнес-режаси “Агробанк”нинг туман филиали мутахассислари томонидан ижобий баҳоланган, ёш тадбиркор жорий йил бошида иш бошлади. Кўп ўтмай ташаббускор қизнинг “Камолот — келажак ёдуси” номли хусусий корхонаси эришаётган ютуқларга қўпни кўрган, тажрибали тадбиркорлар ҳам ҳавас қила бошлашди. Зеро, йигирма икки ёшли Мунтазам зукко тадбиркор сифатида замонавий корхонани муваффақиятли бошқармоқда. Ҳозир бу ерда 30 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётир.

Ёш тадбиркор бошчилигида тайёрланган махсулотлар “Ташаббус — 2011” кўриқ-танловининг туман ва вилоят босқичларида муносиб баҳоланди. Айни кунларда корхонада ойига 10-12 миллион сўмлик кийим-кечак махсулотлари ишлаб чиқари-

лари, оилавий корхонада бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиблари каби йўналишларни ўзида ифода этган ҳуқуқий асослари яратиш мақсада мувофиқ. Айни чоғда мазкур қонунда оилавий корхонада қимлар фаолият юротида, уларга қандай ижтимоий имтиёзлар берилади, деган саволлар ҳам аниқ жавобини топиши лозим. Умуман олганда, буларнинг барчаси ҳўжалик юришнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли — оилавий бизнеснинг ёрқин истиқболига, демакки, фуқаролар турмуш тарзини янада кўтаришга хизмат қилади.

Оилавий бизнес ривожланишини мувофиқлаштириш, ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда оилавий бизнесни кенгайтириш аниқ мунддоодир. Чунончи, оилавий чорвачилик, асаларичилик ва бошқа хунармандчилик йўналишлари бўйича ҳудудий ёндашувини татбиқ этиш, ана шу жиҳатдан келиб чиқиб, турли имтиёз ва преференциалар беришнинг аҳамияти каттадир. Айни чоғда оилавий бизнес бўйича интерактив ўқув курсларини йўлга қўйиш, матбуотда тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсада мувофиқдир.

Оилавий тадбиркорлик корхонаси раҳбари ҳуқуқий, иқтисодий ва агро-технологик билимларнинг асосларини пухта билиши шарт. У, айниқса, бухгалтерия, молиялаштириш, солиқлар ва солиққа тортиш, банк иши каби фанларни чуқур ўзлаштирган бўлишини қатъий белгилаб қўйиш ҳам мақсада мувофиқдир.

Зотан, Концепцияда ўз ифодасини топганидек, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий қафолатларини кучайтириш, иқтисодийнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ҳамда янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади.

Сарвар ОТАМУРАТОВ, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси ўринбосари.

ЎЗБЕКИСТОН МАВЗУСИ «КОРЕЯ ТАЙМС» САҲИФАЛАРИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

«Корея таймс» мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти мавзусига ҳам алоҳида ўрин ажратган. Ушбу мавзунинг ёритар экан, газета Урта Осиёдаги ҳеч бир мамлакат Ўзбекистондаги каби кўплаб тарихий маданий ёдгорликларга эга эмаслигини қайд этди. «Ўзбекистон замини — инсоният яраланидан то қадимий йирик давлатлар қурилганига қадар бўлган турли даврларнинг ноб ёдгорликларини сақлаб қолган ўзига хос ва қимматбаҳо архивдир», дея ёзилади нашрда.

Мақолада Самарқанднинг — Регистон майдони, Бибиноним масжиди, Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда мажмуи билан, Бухоронинг — Минораи қалони, Арқ қалъаси, Сомониёлар мақбараси, Лаби ховуз мажмуаси билан, Хиванинг эса машҳур Ичанқалъаси, кўплаб масжиду мадраса, миноралари ва бошқа осориатқалари билан дунё сайёҳлари ўртасидаги машҳурлиги тобора юксалиб бораётганига алоҳида ургу берилган.

Газета мамлакатимиз раҳбарининг “Биз маънавий қадриятлар тикланишини миллий ўзликини англаш жараёнининг табиий ўсиши, халқимиз маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига мурожаат деб биламиз”, дея билдирган фикрларини келтирган экан, давлат мустақиллиги қўлга киритилганидан сўнг маънавий ва маданий ўзликини, ҳақиқий тарих ва ўзига хослиқни англаш Ўзбекистон давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлди, деб ёзади.

“Корея таймс” халқаро ҳамжамиятада интеграциялашув жараёнида республикамизнинг 1993 йил октябр ойида ЮНЕСКО ташкилотига аъзо бўлгани муҳим аҳамият касб этганини таъкидлар экан, қўнча шахарлар, жаҳон цивилизацияси тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган буюк мутафаккир ва алломаналарнинг юбилей саналари халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани унинг жаҳон миқёсидаги эътиборидан далолат эканини қайд этди.

“Маънавий-маданий қадриятлар тараққиёт асоси ва миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилашида қудратли восита эканини теран англаган ҳолда, Ўзбекистон ҳукумати Ўзбек халқининг урф-одати, аънава ва бошқа миллий қадриятларини кенг тарғиб қилди. Нарвўз, Рўза ва Қурбон хайитлари сингари умумхалқ ва диний байрамлар қайта тикланди. Эски масжидлар тўлиқ таъмирдан чиқарилди, янгилари қурилди, қатор ўқув муассасалари, хусусан, Ташкент Ислам университети барпо этилди. Жуда кўплаб тарихий-маданий ёдгорликлар реконструкция қилинди. Шу билан бирга, Имом ал-Бухорий мажмуи, Теурийлар музейи, Хотира хиббони ҳамда бошқа кўплаб янги мемориал ёдгорликлар қурилдики, уларда аънаванавий Шарқ меъморчилиги замонавий архитектура билан уйғунлашиб кетган”, дея ёзилади “Корея таймс” наширида.

«Жаҳон» АА.

Бухоро ТОМОНЛАРДА

22 минг нафар аҳоли
Истиқомат қиладиган
Когон шаҳрида табиий
газ таъминоти
яхшиланди

Газ таъминоти яхшиланди

Бунинг учун “Транс инжиниринг” компанияси томонидан янги газ қувури тортилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун салкам бир миллиард сўмлик маблағ сарфланди.

Айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят бўйича ҳамма 40 километрик масофага табиий газ қувурлари ётқизилди.

Фаолият кенгайтириш фойда ортди

Бухоро шахридаги “Сулшержаҳон” хусусий корхонасида сутни қайта ишлашга мўлжалланган 200 миллион сўмлик янги лойиҳа амалга оширилди.

Шу пайтга қадар ўз мижозларига қолбаса махсулотларини тақлиф этаётган мазкур корхона эндиликда қаймоқ, бринза, сариёғ, творог каби сут махсулотларини ҳам сотувга чиқармоқда. Қўшимча 10 та иш ўрни яратилган “Сулшержаҳон”да ойига 100 тонна сут қайта ишланапти.

Шаҳарда мавжуд корхоналар ўз фаолиятларини кенгайтириши ҳамда янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиши эвазига шу йилнинг дастлабки етти ойида 6029 та иш ўрни яратилди.

Сифат ва суръат уйғунлиги

Фаолиятини 8 турдаги кийим-кечак ишлаб чиқариш билан бошлаган “Енгилпарвоз текстиль” маъсулияти чекланган жамияти қисқа муддатда махсулот турини 15 тага етказди.

Коракўл туманидаги мазкур корхона банкдан олинган 90 миллион сўмлик кредит эвазига замонавий тикув дастгоҳлари билан тўлиқ жиҳозланди. Қўшимча 10 та иш ўрни яратилган корхонада ойига ўртача 15 минг донага-ча трикотаж махсулотлари тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

И. ИБРОҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ёшлар — юрт келажаги, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир. Шу маънода, ёш авлоднинг етук мутахассис, ибратли хулқ-атвор эгаси бўлиши аввал бошдаги тарбиясига, вояга етгаётган муҳитига боғлиқ. Шунинг учун ҳам фарзанд тарбияси ота-оналар учун энг муҳим масаладир.

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Бу вазифага давлат миқёсида эътибор қаратиш сиёсати эса камдан-кам мамлакатларга хос. Шу маънода, Президентимизнинг "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ёш авлод тарбиясига қаратилаётган ғамхўрликнинг яна бир амалий тасдиғи сифатида аҳамиятлидир. Бунинг натижасида кўплаб истеъдодли ёшлар етиштириб чиқмоқда, ёш мусиқачиларимиз нуфузли халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда муваффақият қозонаётди.

Зилган "Italy Percussion Competition" халқаро зарбали чолғулар фестивалида ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар жаҳон ва юртимиз бастакорларининг энг сара

Фахр

мусиқий асарларини маҳорат билан ижро этгани турли давлатлар мусиқа-шуносларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди.

Фестиваль якунида кўра, пойтахт-тимиздаги республика мусиқа ва санъатга ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг 1-босқич ўқувчиси Абдулазиз Раҳимбердиев маримба чолғуси ижрочилиги бўйича биринчи ўринни кўлга киритди. Мазкур таълим дарго-

ҳининг 8-синф ўқувчилари Элёр Қиличев литавра чолғуси ижрочилиги бўйича иккинчи, Беҳруз Хайитмуродов эса учинчи ўринга сазовор бўлди.

— Мусиқа эшитиш, соз чалиш жону дилим, — дейди Элёр Қиличев. — Бундай иштиёқ мени ушбу масканга етаклаган. Бу ерда яхши ўқиш учун барча шарт-шароит бор. АКШ, Германия, Франция, Испания, Япония, Жанубий Корея, Бельгия, Болгария сингари 54 давлатдан 12 ёшдан 30 ёшгача бўлган чолғучилар қатнашган шундай катта тадбирда фахрли ўринлардан бирини олганим учун қувончдан бошим осмонга етди. Максадим шундай: Президентимиз ишончини оқлаш, юртимнинг қорига яраш!

Элёрнинг ҳис-ҳаяжон билан айтган бу сўзлари беҳиз эмас. Зеро, болалар мусиқа мактабларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор минглаб фарзандларимизнинг истеъдодини юзага чиқармоқда. Дунё миқёсида ноёб саналган бундай тизимнинг ёшларимиз номини жаҳонга таратаётгани бу борадаги ислохотларнинг самарасидир, албатта.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Бунёдкорлик

Наманган вилояти марказидаги 1-сонли Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими барча шарт-шароитга эга муҳташам бинода ўз фаолиятини бошлади.

Муҳташам бахт қошонаси

Бу ерда 800 миллион сўмликдан ортиқ таъмирлаш ишлари амалга оширилган, "Бахт уйи" замонавий қиёфа касб этди. Пировардида мажмуада фуқароларга хизмат кўрсатишнинг янги имкониятлари вужудга келди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Мажмуа спортчи ёшлар ихтиёрида

Кумкўрғон туманида Болалар спорт мажмуаси, футбол мактаби ҳамда ўттизта маҳалладаги майдончаларда ўттиз минг нафарга яқин ёшлар мунтазам спорт билан шуғулланишмоқда.

Тумандаги "Алпомиш" спорт мажмуасининг мукамал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилиши кумкўрғонлик ёшлар спорт борасида катта имкониятлар эшигини очиб берди. Мазкур хайрли ишни амалга ошириш учун республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 278,5 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ҳозир бу ерда фаолият кўрсатаётган 12 та спорт тури машғулотларига мингдан ортиқ бола қатнаб, маҳоратини оширмоқда.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

қўйидаги кафедраларнинг кафедра мудирилари лавозимларига шартнома асосида

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

- Юқори молекулали бирикмалар ва пластмассалар технологияси кафедраси.
- Нефть ва газни қайта ишлаш кимёвий технологияси кафедраси.
- Целлюлоза ва ёғочсозлик технологияси кафедраси.
- Ноорганик моддалар кимёвий технологияси кафедраси.
- Силикат материаллар технологияси кафедраси.
- Технологик жараён ва қурималар кафедраси.
- Умумий ноорганик кимё кафедраси.
- Озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси кафедраси.
- Озиқ-овқат хавфсизлиги кафедраси.
- Информатика, автоматлаштириш ва бошқарув кафедраси.
- Маҳсулот сифати менежменти кафедраси.

Юқоридаги лавозимларга тегишли номзодлардан ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, кадрлар бўлими. Телефон: (8-371) 244-79-31.

ЯНГИЧА ИЖОДИЙ ЁНДАШУВ МЕВАСИ



Мамлакатимизда мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида маънавий юксалиш, азалий анъана ва қадриятларни эъзозлаш борасида изчил ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Бу эса аҳоли, айникса, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат, юртга садоқат туйғусини уйғотишда муҳим аҳамиятга эга. Бинобарин, асрлар давомида шаклланиб келган бебаҳо санъатимиз, хусусан, театр санъати ривожига қаратилаётган эътибор ўзининг юксак самарасини кўрсатмоқда.

қахрамони Юсуф ўз бошидан кечирган изтиробли кунларини ҳикоя қилар экан, ўткинчи ҳою ҳавас, бойликка берилиб, самимий дўстликни унутганлар тақдири, етишмовчилик боис бир оила бошига тушган мусибатлардан воқиф бўласиз.

Асарнинг ҳаётийлиги, фикру мулоҳазаларнинг тиракчилиги, қолаверса, театр актёрларининг моҳирона ижроси туфайли спектакль таъсирчанлиги янада ортган. Энг муҳими, унда асақ эттирилган мавзу томошабинни кечаги кун ҳақида хулоса чиқариб, бугунги дорилламон ҳаётимизни, фаровон турмушимизни қадрлашга ундайди.

М. ЎРОҚОВ.

Юртимиздаги кўплаб театрларимиз биноси тубдан қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди. Айни пайтда ушбу маънавий даргоҳларда истеъдодли ёшлар кашф қилиниб, бугунги кун қахрамонлари сиймосини гавдалантириш орқали истиқлолни таранмуқ этиш, тинч-осуда ҳаётимизни қадрлаш урғу берилаётганлиги ҳам ана шу юксак

эъзоз ва эътибор меvasидир. Бунга мисол қилиб ёзувчи Улуғбек Ҳамдамовнинг "Мувозанат" романи асосида саҳналаштирилган янги спектаклни ай-

Театр

тиш мумкин. Мазкур асар тақдироти кунга кеча ўзининг 43-мавсумини бошлаган Ўзбек давлат драма театрида бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос ва театршунос

олимлар, ёзувчи-шоирлар, талаба-ёшлар, театр мухлислари иштирок этди.

Сайфиддин Мелиев режиссёрлигида саҳна юзини кўрган асар томошабинларда катта кизиқиш уйғотди. Янгича ёндашув, қўшиқ ва мусиқа уйғунлигида кечган воқеалар кишини мушоҳада юритишга, фикрлашга ундайди.



«ИПОТЕКА-БАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

бино ва иншоотларни сотиш бўйича танлов эълон қилади.



Бино ва иншоот: умумий майдони — 5702 м², 4 қаватли маъмурий бино, 2 қаватли омбурухона, гараж, шийпон ва қоровулхонадан иборат.

Жойлашган манзили: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Боғибустон кўчаси, 248-уй.

Бошланғич баҳоси — 2 965 000 000,0 сўм.

Танловга аризалар 2011 йил 14 октябрь соат 16.00 гача қабул қилинади.

Бино ва иншоотларни сотиб олиш бўйича харидорларнинг таклифлари муҳрланган конвертларда тақдим этилиши лозим.

Изоҳ: танловда иштирок этувчи харидорларга ўз маблағлари ҳисобидан олинган камида 15 фоиз бошланғич бадал тўлаш шарти билан, 5 йилгача ойма-ой бўлиб тўлаш ва 6 ойлик имтиёзли давр асосида сотиб олиш имкониятлари мавжуд.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 150-70-78, 150-23-24.



Ўзбекистондаги расмий ҳамкори



LP	SW	ТАРОЗИ БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ! ЛАБОРАТОРИЯЛАР, БОЗОРЛАР, СУПЕРМАРКЕТЛАР ВА ТИББИЁТ КОРХОНАЛАРИ УЧУН	MWP
AP	ER		B1-15 "Саша"
15%	25%	АКЦИЯ! КУЗГИ ЧЕГИРМАЛАР 25% гача	10%
10%	10%		10%

Тошкент ш., Тўйтепа к., 5, (ЎзР Патент идораси қаршисида), тел.: (+99871) 232-06-61, 233-58-99, 233-60-07. - Кичик Бешёғоч к., 86 (Глинка к., олдинги шаҳар ИХББ биноси рўпарасида), тел.: (+99871) 281-43-58, 281-43-64, факс: 281-43-65.

www.micros.uz; e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
 9.00 дан 18.00 гача
 232-11-15,
 236-09-25.
 E-mail: reklama@xs.uz

Барча абитуриентлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб келган ёшлар диққатига!

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети

математика, физика, инглиз тили фанлари бўйича 2011 — 2012 ўқув йили учун тайёрлов курсларида тахсил олишга таклиф этади.



Қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
 Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли кўчаси (собик Ниёзов кўчаси), 17-уй.

Телефон: (8-371) 246-60-28.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси бош мутахассис Рихсиниса Салиходжаевага волонда муҳтарамаси **МАТЛЮБА** аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекфильм» ОАЖ жамоаси киностудия директори Файзирахмон Усмоновга акаси **Илҳомжон УСМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Леонхона 233-52-55;
 Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:** 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орплов. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — М. Охунова. Мусаҳҳах — С. Исмолов.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.30 Топширилди — 22.15 1 2 3 4 5

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 259,7 ▲ + 1,3 ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 274,7 ▲ + 29,7 АРМАТУРА 3127,6 ▼ - 215,4 ШИФЕР (1 лист) 17093,0 ▼ - 510,1 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ + 1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.